

Сурхондарё нафақат табиати гўзал замин, балки руҳи бақувват, ғайрати баланд, орияти мустаҳкам инсонлар юртидир. Сурхонни ривожлантириш Янги Ўзбекистоннинг жанубий таянч устунини мустаҳкамлаш демакдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
28-fevral,
shanba
№27
(5247)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Сурхондарё вилояти: ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМЛАР



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26-27 февраль кунлари ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнлари билан танишиш учун Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Ташриф давомида давлатимиз раҳбари ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар билан танишди, бир қатор янги

объектларни фойдаланишга топширди. Президентимиз 27 февраль кунги Сурхондарё вилоятини комплекс ривожлантириш бўйича навбатдаги устувор вазибалар юзасидан йиғилиш ўтказди.



Давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилоятига ташрифи ҳамда ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича навбатдаги устувор вазибалар юзасидан ўтказилган йиғилиш тафсилотлари билан қуйидаги QR кодлар орқали батафсил танишинг:



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли
«Ишонч телефони»,
яъни
«Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

13 йиллик фойдаланилмаган меҳнат таътили учун КОМПЕНСАЦИЯ

Ғаллаорол тумани тиббиёт бирлашмаси туғуруқхона шифокори Исо-муҳаммад Дониёров навбатдаги жарроҳлик амалиётини ўтказди-ю, юрак хуружидан вафот этди. Бу ўлимни кимдир тақдир азалга боғлади. Яна биров марҳумнинг ўта куюнчақлиги сабаб бўлганини айтди. Аммо унинг турмуш ўртоғи ва тўрт фарзанди бошқача фикрда эди. Уларнинг назарида, оила бошлигининг ўлимига ҳаддан зиёд толиқиш сабаб бўлган. Чунки у асосий вақтини шифохонада ўтказган, меҳнат таъти-лига деярли чиқмаган. Бунга раҳбарлар топшириғи, шифо-корлар етишмаслиги, кимнингдир тақдир жарроҳ-лик амалиётига боғлиқ бўлиб турганда иш жойини ташлаб кетолмаслиги билан изоҳлаган.

Шифокор вафотидан сўнг унинг оила аъзолари туман тиббиёт бирлашмаси чиқилмаган меҳнат таътиллари учун ҳақ тўлашига ишонганди. Аммо амалда ундай бўлмади. Бу ҳолат марҳумнинг ўғли Фарход Турғуновни Соғлиқни сақлаш ходимлари ка-саба уюшмаси Жиззах вилояти кенгашига ариза ёзишга ундади. Кенгаш эса Исомуҳаммад Дониёров 1993-2018 йиллар оралиғида фойдаланмаган 13 йиллик меҳнат таътиллари учун компенсация ажратиш юзасидан туман тиббиёт бирлашма-сига тақдимнома киритди. Масъуллар мурожаатни эътибор-сиз қолдиришгач, фуқаролик ишлари бўйича Ғаллаорол ту-манлараро судига даъво аризаси йўллади. Аммо суд фойда-ланилмаган меҳнат таътили ҳамда етказилган маънавий зарар учун компенсация ундиришга онд талабни қаноат-лантирмади. Шу боис фуқаролик ишлари бўйича вилоят судига даъво ариза киритилди. Афсус, барибир, қутил-ган натижага эришилмади.

Алқисса Олий судга даъво-ариза жўнатишимизга тўғри келди. Натижада суд томонидан Исомуҳаммад Дониёровнинг оила аъзоларига у тирикчилигида фойда-ланилмаган меҳнат таътиллари учун 131 миллион 586 минг сўм ҳамда ушбу тўлов кечиктирилгани учун 330 миллион 123 минг сўм, жами 461 миллион 709 минг сўм миқдорида компенсация ажратиш тўғрисида ажрим чиқарди. Бугунга келиб, бу маблағлар ту-ман тиббиёт бирлашмасидан тўлиқ ундирилди.

Шерзод ШЕРБЕКОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Жиззах вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Касаба уюшмаси аралашгач...

Чиноз тумани тиббиёт бирлашмасида ишлаб келаётган Моҳинур Йўлдошева 2018 йилда ҳомиладорлик таътилига чиққан эди. 2023 йил ноябрда ўз вази-фасига қайтди. Бир ойдан кейин у ишлай-диган бўлимдагилар уч лавозим маоши миқдорида рағбатлантирилди. Бироқ Моҳи-нур четда қолди. Сабабини суриштирганида, ҳомиладорлик таътилидан эндигина чиққанини рўқач қилишди. Шундан сўнг ушбу масала юза-сидан бир неча марта бўлим бошлиғи ва бош ши-фокор билан суҳбатлашди.

«Мен учун кутилмаган иш бўлди»

– Ўшанда бош шифокор рағбат пули тўлаб берилишини айтди, – дейди Моҳинур Йўл-дошева. – Лекин ҳар сафар тўлов пайсалга соли-навверди. Адлия бўлимига бормоқчи бўлгандим, яна қу-руқ ваъдалар бериб, аҳдидан қайтаришди. Шу тариқа орадан икки йил ўтди. Охири ҳақимни ундириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига мурожаат қилдим.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори Муҳаммаджон Рўзметов кейинги жараёнлар ҳақида шундай дейди: – Мажаро ўрганилганда ходимнинг меҳнат ҳуқуқи бузилгани аниқланиб, иш берувчига пулни тўлаб бериши лозимлиги тушун-тирилди. Акс ҳолда, Меҳнат кодексининг 333-моддасига кўра, ҳар бир кечиктирилган кун учун Марказий банкнинг қайта молиялашти-риш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизи билан тўлашига тўғри ке-лиши таъкидланиб, кўрсатма хати ҳам киритилди. Бироқ иш берувчи бу маблағни тўлаб бермади. Шундан кейин иш судга оширилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Қўйи Чирчиқ туманлараро судига Чиноз тумани тиббиёт бирлашмаси ходимлар бўлими ноизи Моҳинур Йўлдо-шевага тўланмай қолган 5 миллион сўмдан зиёд рағбат ҳамда ҳар бир ке-чиктирилган кун учун ҳисобланган қарийб 58 миллион сўм миқдоридаги компенсация пуллари ундирилиши ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилди. – Очиги, бу мен учун кутилмаган иш бўлди. Оғиримни енгил қилган ка-саба уюшмаларидан миннатдорман, – дейди Моҳинур Йўлдошева.

Холида ЭҒАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Ўзбекистонда 3 болали оилалар улуши ортиб бормоқда

«Ishonch»нинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига ўтинг.



Дунё миқёсида энг хавфсиз давлатлар орасида Ўзбекистон 23-ўринни эгаллади

«Ishonch»нинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига ўтинг.

Учрашув

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ



Ёшлар билан очиқ мулоқот бугун уларни нималар ўйланти-раётганини ва орзу-умидларини билиш имконини беради. Яқинда давлатимиз раҳбарининг бир гуруҳ йигит-қизлар билан ўтказган учрашуви фикримизнинг яққол тасдигидир. Энг муҳими, бу ташаббус эндиликда жойларда ҳам давом этмоқда. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федера-циясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Сайфулла Аҳме-дов талабаларни самимий суҳбатга чорлади.

Тадбир расмийлик-дан холи, таклиф ва ташаббусларга очик, ёшларга имкониятлар яра-тувчи ва уларни қўллаб-қув-ватловчи фикр-мулоҳаза-ларга бой бўлди. Асосий эътибор меҳнат бозорига кириб боришдаги масала-ларга, ижтимоий ҳимоя ме-ханизмлари ва касаба уюш-маларининг бу жараёндаги ўрнига қаратилди. Шунинг-дек, талабаларга ҳар жиҳат-дан тиргак бўлиш, бу борада Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш хусусида сўз юритилди. Савол-жавоблар жараё-нида амалиёт масалалари, конференциялар ташкил

этиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантиришга доир таклифлар киритилди. Кен-гаш раиси ҳар бир мурожа-атга жиддий ёндашиб, мав-жуд муаммоларни тизимли ҳал этиш зарурлигини таъ-кидлади. Айрим талабалар эса касаба уюшмаларининг олий таълим муассасалари-даги иштирокини кучайти-риш, ёшлар билан шундай му-лоқотларни мунтазам ташкил этиш зарурлигини айтишди. Масъуллар таклифларни босқичма-босқич амалга оши-риш юзасидан иш олиб бори-лишини билдиришди.

Дияра РАВШАНОВА
«ISHONCH»
Эъзоза УМУРЗОҚОВА
олган сурат

www.ishonch.uz

www.//

ishonch1991@yandex.uz



facebook.com/ishonchofficial.uz

https://t.me/ishonchuz_official



ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон касабa уюшмалари ўз фаолиятида меҳнатнашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бир қаторда, турли соҳа ходимлари маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида маданий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этиш йўналишларида ҳам иш олиб боради. Ушбу масалалар вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан тузилган тармоқ ва ҳудудий келишувларга, корхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоа шартномаларига алоҳида бўлим сифатида киритилиб, уларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик назорати олиб бoрилади.

Мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида барча бўғиндаги касабa уюшмаси ташкилотларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Дастурга мувофиқ меҳнат жамоаларида «Маърифат соатлари» ўтказиб бoриш йўлга қўйилган бўлиб, уларда ходимларга мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, инсон қадрини улуғлаш тамойили асосида олиб бoриладиган кенг қўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва натижалари, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамияти атрофлича етказилади.

ХУСУСАН, ЎТТАН 2025 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАРГА НАЗАР ТАШЛАСАҚ, МЕХНАТ ЖАМОАЛАРИДА «ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАНГАН КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАРНИ 2025 ЙИЛДА САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ, ШУНИНГДЕК, «ЎЗБЕКИСТОН – 2030» СТРАТЕГИЯСИНИ «АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ МУТАХАССИСЛАРНИ ЖАЛБ ЭТГАН ХОЛДА ИШЛОВЧИЛАРГА ЕТКАЗИЛДИ.

Республикада нишонланадиган умумхалқ байрамлари ва муҳим саналар муносабати билан меҳнат жамоаларида ўтказилган маданий-маърифий тадбирларида ходимларга, айниқса, ёшларга, байрамларнинг мазмун-моҳияти, мустақиллик туфайли эришилган ютуқлардан фaҳрланиш, бугунги кунга шукроналик туйғуларини сингдириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ҳамда қадриятларнинг ҳаётиимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан меҳнат жамоаларида давра суҳбатлари, учрашувлар, маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ташкил этилди. Касаба уюшмалари вакиллари ҳудудларда бўлиб, аскарлар ишгирисида «Ҳарбий қисмда бир кун» мавзусида учрашувлар, маънавий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказишди.

Байрам муносабати билан касабa уюшмалари томонидан хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган 290 нафар ҳарбий хизматчининг оила аъзолари жами 189,4 млн. сўм, хизмат даврида ногирон бўлган 139 нафар ҳарбий жами 88,2 млн. сўм, 1 минг 301 нафар жангчи-фахрий (байналмилалчилар) 452,6 млн. сўм, 63 нафар 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари 49,2 млн. сўм миқдорида қўллаб-қувватланди. Шунингдек, 49 та ҳарбий қисмда хизмат қиладиган ҳарбийлар рағбатлантирилди. Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишлаб турли мавзуларда маърифий тадбирлар, «Навоийни биласизми?» ва «Сиз Бобурни биласизми?» рукнлари остида челленжлар ўтказилди.

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан меҳнат жамоаларида аёллар ўртасида спортнинг волейбол, шахмат-шашка, бадминтон ҳамда стол тенниси турлари бўйича мусобақалар ўтказилиб, уларда 31 минг нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этди. 7 минг нафардан зиёд ишчи-ходимлар, эҳтиёжманд аёллар ҳамда пенсионер хотин-қизлар учун республиканинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилди. Ҳақиқатда, хотин-қизларнинг бoр ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 2 минг 318 нафар аёлнинг ҳолидан хабар олиниб, уларга 572,5 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган, кўп болали, олис ва чекка ҳудудларда яшовчи 50 нафар ишловчи аёлга касабa уюшмалари тизимидаги санаторийларга бeпул йўлланмалар берилди.

Наврўз байрами арафасида касабa уюшмалари томонидан жами 112 нафар Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти қатнашчиларига 69,8 млн. сўмлик, 5 минг 287 нафар меҳнат фахрийсига 1 млрд. 229,6 млн. сўмлик, 958 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга 323 млн. сўмлик, 5 минг 782 нафар кам таъминланган ои-

лаларга 1 млрд. 751,8 млн. сўмлик, «Аёллар дафтари»да рўйхатда турган 617 нафар эҳтиёжманд аёлга 325,1 млн. сўмлик турли кўринишдаги моддий ёрдамлар берилди.

Республикадаги 5 та «Саховат», 14 та «Муруват», 1 та «Меҳрибонлик» уйига жами 90,0 млн. сўмлик ҳомиёлик ёрдами кўрсатилди. 332 нафар нуруний ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларга ва республиканинг тарихий шаҳарларига саёҳатга юборилди. Ёш оилаларнинг ишлайдиган 50 нафар аъзосига «Умид гулшани» санаторийсига бeпул йўлланма берилди. Барча вилоятларда «Касаба уюшмалари боғи» барпо этилди.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни байрами муносабати билан, республикадаги касабa уюшма ташкилотлари томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари, Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оилалари моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди. Ҳозир нафақада бўлган 891 нафар байналмилалчи рағбатлантирилди. 7 минг 663 нафар меҳнат фахрийсининг ҳолидан хабар олиниб, совғалар топширилди. 4 минг 682 нафар кекса авлод вакиллари, меҳнат фахрийлари ва ишлайётган пенсионерлар маҳаллий зиёратгоҳларга ҳамда республиканинг тарихий шаҳарларига саёҳатларга олиб борилди. 5 минг 902 нафар кекса фахрийларнинг театр ва концертларга, музейларга ташрифи таъминланди. Меҳнат жамоаларида фахрийлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол теннис ва бадминтон турлари бўйича мусобақалар ҳамда ёшлар ўртасида Хотира турнирлари ўтказилди.

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан барча ҳудудларда касабa уюшмалари ташкилотлари томонидан байрам тадбирлари ташкил этилди. Меҳрибонлик уйлари ва Оилавий меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, мустақиллик йилларида хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ички ишлар идоралари ходимларининг фарзандлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг ўғил-қизлари, уйда таълим оладиган имконияти чекланган болалардан жами 37 минг 336 нафар театр ва музейларга, маданият ва истироҳат ҳамда ҳайвонот боғларига чипталар билан таъминланди. 7 минг 198 нафар болажон тарихий шаҳарлар ва ҳудудлардаги диққатга сазовор жойларга саёҳатга юборилди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандларидан 9 минг 259 нафарига, 376 нафар оилавий болалар уйи тарбияланувчилари ва ногиронлиги бор болаларга совғалар берилди. 55 та болалар муассасасига ҳомиёлик ёрдами кўрсатилди.

«Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишлаб амалга оширилган, «Ватан учун, миллат учун, халқ учун!» деган бош ғояни ўзида муассаса этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари Дастури»га кўра, 20 минг 849 та бошланғич касабa уюшмаси ташкилотларида турли мавзуларда «Маърифат соатлари» ўтказилди. Уларда 2 млн. 193 минг 172 нафар ишчи-ходим иштирок этди.

БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН 77 НАФАР ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕХНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИ, 5 МИНГ 505 НАФАР КЕКСА АВЛОД ВАКИЛЛАРИ, 2 ТА «МЕХРИБОНЛИК УЙИ», 433 НАФАР «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ РЕЕСТРИ»ГА 449 НАФАР «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»ГА КИРИТИЛГАНЛАР, 6 МИНГ 249 НАФАР КЎМАККА МУҲТОЖ ИНСОНЛАР МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ. РЕСПУБЛИКАДАГИ 13 ТА «МУРУВАТ» ВА 5 ТА «САХОВАТ» УЙИГА ТАШРИФ БУЮРИЛИШ, УЛАРДА ЯШАЁТГАНЛАР УЧУН БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ ВА ЖАМИ 157,1 МЛН. СЎМЛИК ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида мустақиллик байрами муносабати билан, шунингдек, 5 та муҳим ташаббус асосида спорт мусобақалари, китобхон-

лик кунлари, викториналар, компьютер саводхонлиги ўғарақлари, расмлар танлови, «Янги Ўзбекистон фарзандиман», «Мустақил Она диёрим, байрамнинг муборак!» номли маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунинда меҳнат жамоаларида «Қадринг баланд бўлсин, она тилим!» шиори остида туркум тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон касабa уюшмалари харақатининг 120 йиллик юбилейи ҳамда «11 ноябрь – Ўзбекистон касабa уюшмалари куни» муносабати билан барча бўғиндаги касабa уюшмаси ташкилотларида 22 минг 323 та маданий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари бўлиб ўтди.

11 НОЯБРЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ САРОЙИДА ЎТКАЗИЛГАН АСОСИЙ БАЙРАМ ТАДБИРИДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАН КЕЛГАН 60 НАФАРГА ЯҚИН МЕХМОН, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ, ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ, ВАЗИРЛИК, ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАЎЗБАРЛАРИ, МЕХНАТ ФАХРИЙЛАРИ, КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ – ЖАМИ 700 НАФАРГА ЯҚИН КИШИ ҚАТНАШДИ.

18 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУНДА БАРЧА МЕХНАТ ЖАМОАЛАРИДА «ОЛ БАЙРОҒИНINGНИ, ҚАЛБИНИГ УЙГОНСИН!» МАВЗУСИДА ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Касаба уюшмалари Федерациясининг ҳудудий Кенгашларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Марказий Осиё янги давр остонасида» мақоласининг асосий ғоя ва мазмун-моҳияти ҳақида «Маърифат соатлари» ўтказилди.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 33 йиллигига корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоаларида ишчи-ходимлар ўртасида давра суҳбатлари уюштирилди.

2025 йил давомида жами 284 минг 950 нафар меҳнаткаш ва уларнинг оила аъзолари учун мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ҳамда ҳудудлардаги диққатга сазовор масканларга саёҳатлар ташкил этилди. Ушбу мақсадлар учун жамоа шартномалари ва келишувлари орқали касабa уюшмалари ва иш берувчилар маблағлари ҳисобидан жами 85 млрд. 782,5 млн. сўм сарфланди. Хусусан, касабa уюшмалари Федерацияси томонидан 37 минг 587 нафар ишчи-ходим учун Урганч, Хива, Самарқанд, Тошкент шаҳарлари ва Зомин туманига бeпул саёҳатлар уюштирилиб, бунга касабa уюшмаси бюджети маблағидан 38 млрд. 151,7 млн. сўм маблағ ажратилди.

Меҳнат жамоаларида «Театр куни», «Мозийга саёҳат» лойиҳалари асосида ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши, уларни бой маданий ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида 113 минг 503 нафар ходим концертларга, 59 минг 257 нафар театрда ва 38 минг 448 нафари эса музей ҳамда кўргазмаларга олиб борилди.

Меҳнат жамоаларида ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамиятда уларнинг ўрни ва фаоллигини ошириш мақсадида «Раҳбар ва ёш ходимлар» учрашувлари, ходимлар ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйинлари ташкил этилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари

**Гулнинг гўзаллиги уруғидан;
инсоннинг ҳусни эса қалбидандир.**
Жалолиддин Румий

Фаолият

Ҳисобот

Сирдарё вилояти солиқ бошқармаси меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида 2024–2026 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2025 йилдаги ижроси ҳамда иш берувчи ва касабa уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик натижалари атрофлича муҳокама қилинди.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ КЎНГИЛДАГИДЕКМИ?

– Меҳнатни муҳофаза қилишга ажратиладиган маблағлар қонун ҳужжатлари ва жамоа шартномасига мувофиқ, ходимларга ортиқча молиявий юк юкламасидан тўлиқ молиялаштирилди, – деди бошқарма бошлиғи С.Товбоев ўз ҳисоботида. – Шунингдек, солиқ идораси биноси реконструкция қилиниб, иш ўринлари замонавий талаблар асосида қайта жиҳозланди, ходимлар янги компьютер техникаси билан таъминланди. Жамоа шартномасида назарда тутилмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан аввал касабa уюшмаси кўмитаси билан келишиш амалиёти йўлга қўйилган.

500 нафар аъзони ўзида бирлаштирган касабa уюшмаси кўмитаси раиси Тўлғаной Артиқова ўз ҳисоботида йил давомида амалга оширилган ишларга тўхталди. Унинг таъкидлашича, соҳада 100 га яқин хотин-қиз меҳнат қилмоқда ва жамоа шартномасига қўшимча кафолатлар киритилган. Айниқса,



уларни турли байрам саналарида рағбатлантириш, маданий тадбирларда иштирокини таъминлаш анъанага айланган.

Йил давомида ходимларнинг «Зомин» дам олиш масканида ҳордик чиқариши ташкил этилди. Самарқанд, Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди. 17 нафар ходимнинг фарзандлари ёзги оромгоҳларда соғломлаштирилиши таъминланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар жамоа шартномасининг аҳамияти, яратилган имтиёзлар ва иш бе-

рувчи билан касабa уюшмаси ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида фикр билдирдилар. Яқунда ҳисоботлар қоникарли, деб топилди ҳамда икки томонлама ишчи комиссияга жамоа шартномасининг 2026 йилдаги ижроси устидан тизимли назорат олиб бoриш вазифаси юклатилди.

Ботир УСМОНОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабa уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши раиси



АЪЗОЛАР МАНФААТИ УЧУН МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Шу кунларда тасарруфимиздаги ташкилотларда жамоа шартномаларининг 2025 йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш ва конференциялар ўтказилмоқда. Бу жараён 38-умумтаълим мактабида ҳам қизғин кечди. Унда ўтган йили амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Дастлаб кун тартибидagi масала юзасидан мактаб директори Фозил Рўзметов ва касабa уюшмаси кўмитаси раиси Марямжон Нурметова ахборот бeришди. Таъкидлашчиша, бугунги кунда мактабда 75 нафар ходим фаолият кўрсатади. Уларнинг 45 нафари аёллардан, 12 нафари ёшлардан иборат. Жамоа шартномаси доирасида қўрилган чора-тадбирлар учун 313 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу ҳар бир ходимга ўртача 4 миллион 175 минг сўмдан тўғри келди, дегани. Иш ҳақи эса вақтида тўланмоқда. Меҳнат муҳофазаси чоралари қучатирилиб, барча ходимларга муносиб шароитлар яратилди.

Ҳисобот даврида ходимлар мажбурий тиббий кўрикдан ўтишда чиқимдор бўлишмади. Уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат дастури доирасида иш берувчи ва касабa уюшмаси кўмитаси ҳамкорлигида аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси таъминланмоқда. Ходимларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш чоралари қўрилган. Маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам уюштирилмоқда. Аъзолар спортнинг шахмат-шашка, волейбол, мини-футбол турлари билан мунтазам шугулланиб келишмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққанлар амалга оширилган ишларни, хусусан, жамоа шартномасининг аҳамиятини эътироф этишди. Шундан сўнг 2026-2028 йилларга мўлжалланган янги жамоа шартномаси қабул қилинди.

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Бахтиёр Исмоилов, Таълим ва фан ходимлари касабa уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова мамлакатимизда инсон кадри учун амалга оширилаётган ислохотлар аҳамияти, бу жараёнда касабa уюшмаларининг роли ҳақида тўхталдилар.

Яқунда мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Жамолiddин Раҳимова касабa уюшмалари тизимидаги санаторийларнинг бирида соғлигини тиклаши учун бeпул йўлланма берилди.

Бекберган АҲМЕДОВ,
Таълим ва фан ходимлари касабa уюшмаси Қўшқўтпир тумани кенгаши раиси

**Ижтимоий
ҳимоя
«БЎЗАТОВ»ГА
БЕПУЛ
ЙЎЛЛАНМА**

Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши раиси ўринбосари Мурат Данияров ҳамда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабa уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Лиза Байбосинова иштирокида тадбир бўлиб ўтди. Унда тиббиёт муассасаларида узoқ йиллар самарали меҳнат қилиб кeлаётган ва 15 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган бир гуруҳ тиббиёт ходимларига касабa уюшмалари тизимидаги «Бўзатов» санаторийсига бeпул йўлланма топширилди.

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт ходимларини бeпул соғломлаштириш ишлари бир марталик акция эмас, балки йил давомида амалга оширилаётган тизимли жараён ҳисобланади. Бу соҳа вакиллари ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада қучайтиришга хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз

Ҳуқуқ

ганда, ходим ўз ҳақини ололмаган бўларди.

Қолаверса, суднинг бу қарори барча иш берувчиларга устама тўловлари ихтиёрий эмас, балки мажбурий тўланиши лозимлигини, «Бюджетдан ажратилмаган» деган иддао қонуний асос бўлмаслигини англатади.

– Амалиётда айрим иш берувчилар ёш мутахассисларга бериладиган устамаларни ички моддий имкониятига боғлаб талқин қилади, – дейди Соғлиқни сақлаш ходимлари касабa уюшмаси Наманган вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори Абдурашид Ражабов. – Аслида устама пули давлат томонидан кафолатланган ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораси ҳисобланади.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

УСТАМА ПУЛЛАРИ НЕГА ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНМАЯПТИ?

Фуқаролик ишлари бўйича Учкўрғон туманлараро судида қўрилган навбатдаги иш меҳнат муносабатларида қонун талабларига амал қилиш, айниқса, ёш мутахассисларни моддий рағбатлантириш масаласи қанчалик муҳим эканини яна бир бор кўрсатди. Суд қарорига кўра, тиббиёт муассасаси томонидан тўланмаган 12 миллион сўм устама пуллари ходим фойдасига ундирилди.

Гап шундаки, Акбар Қаҳҳоров Соғлиқни сақлаш ходимлари касабa уюшмаси Наманган вилояти кенгашига мурожаат йўллаб, ҳақ-ҳуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўради.

Ўрганишлар мобайнида маълум

бўлишича, у 2024 йил октябрь ойидан Норин туманидаги оилавий поликлиникада шифокор бўлиб ишлаган, ammo устама пуллари ўз вақтида тўлаб берилмаган. Қонунчиликка биноан, янги иш бошлаган шифокорларга биринчи йилда ҳар ой 1 миллион

сўмгача, кейинги йиллардан қамайиб бoрувчи устама тўланиши керак. Суд даъво-аризани қаноатлантиргач, иш бeрувчидан ходим фойдасига устама пуллари ундирилди.

Бу ҳолат тиббиёт соҳасидаги қатор муаммоларни очиб берди.

Биринчидан, тизимда кадрлар танқислиги мавжуд шароитда устама пуллари ўз вақтида тўланмаса, малакали мутахассисларни ушлаб қолиш қийинлашади. Иккинчидан, тегишли қонун ва норматив ҳужжатларга айрим жойларда амал қилинмапти. Учтинчидан, агар муаммога касабa уюшмаси аралашма-

Зоҳиринг бегона, ботинда бўл огоҳ ҳар нафас.
Бул каби озода рафторга жаҳон қилгай ҳавас.
Баҳоуддин Нақшбанд

Гётенинг «Табиат билан ҳазиллашиб бўлмайди», деган сўзлари бор. Бу ҳикматни биз бугун ҳаётимизда яққол кўриб турибмиз. Хусусан, мен кўп йиллик фаолиятим давомида атроф-муҳитга муносабатнинг ама-лий ифодасини таҳлил қилиб келмокдам.

«ЯШИЛ МАКОН» ҲИКМАТЛАРИ

2000 йилларда Оролбўйида экологик муҳит тобора ёмонлашиб борарди. Иқтисодиёт мураккаб аҳволда ва аҳолининг турмуш даражаси паст эди. Экологик муаммоларга иккинчи ёки учинчи даражали масала сифатида қа-раларди. Ҳаво ва сув ифлосланиши, ер шўрланиши ва яшил ҳудудларнинг қисқариши кўп кузатиларди. Хоразмда гуҷумларга қурт тушиб, анчаси қуриб қолганди. Полиз ва сабзавот маҳсулот-лари етиштиришда ҳам қийинчиликлар кўпайганди. Зараркунандалар таъсири ва сув етишмаслиги оқибатида деҳқон кўзланган ҳосилини ололмасди. Орол денгизи фожиаси таъсирида аҳоли соғи-лиги тобора ёмонлашиб борарди. Газ, свет муаммолари туфайли одамлар қишда дарахтларни кесишга мажбур эди. Табиатдаги муаммолар ҳақидаги огоҳлантиришлар кўпинча қонун ва ре-сурс етишмаслиги сабаб қутилган нати-жани бермас эди.

Мен соҳанинг ичида бўлганим учун муаммолар кўламини ич-ичимдан ҳис қилардим. Аммо тавсиявий аҳамиятга эга маслаҳатларимизга ҳеч ким қулоқ солмасди. Кимгадир жарима қўлласак, албатта, бирон «акахон»дан телефон бўларди. Жарима ёзган ходим босимга учрарди.

Тарчи масъуллар ҳамма муаммони кўриб-билиб турса ҳам, илмий ёндашув-нинг йўқлиги туфайли амалий натижа ортга сурилаверди. Баҳор ойда дарахт қўчатларни экиш кампанияси ҳам но-мигагина ўтказилар, очигини айтганда, «қоғоз»ларда экиларди. Агарда қўчатлар амалда экилганидами, юртимиз ўр-монзорларга айланиб, экологик барқа-рорлик таъминланишига озми-қўпми эришиларди. Афсуски, «кампаниябоз-лик» мураккаб вазиятни янада муракка-блаштирди.

Вилоят Ёшлар ташкилотига раҳбар-лик қилган давримда ёш авлод қалбида табиатга муҳаббатни кучайтиришга жиддий эътибор қаратдик. Турли акция-лар уюштириб, табиатни авайлаб-асраш ҳақида бонг урардик. Бироқ амалда, ба-рибир, ишларимиздан кўнглимиз тўл-масди. Табиатни муҳофаз қилишга дав-лат даражасида эътибор қилинадиган кунларни кутардик...

Яратганга шукри, шу кунлар келди. Давлатимиз раҳбари атроф-муҳитни асраш, экология масалаларини давлат сиёсати даражасига олиб чиқди. Бунинг амалий ифодасини Хоразм вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ургачн шаҳрида кенг қўламли ободонлашти-риш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳар кўчалари, майдонлар ва жамоат масканлари то-залаиб, марказий кўчалар, истироҳат боғлари ва маҳаллалар ҳудудларида гул-зорлар барпо этилди. Шунингдек, ту-манларда канал ва ариқлар бетонлашти-

Яратганга шукри, шу кунлар келди. Давлатимиз раҳбари атроф-муҳитни асраш, экология масалаларини давлат сиёсати даражасига олиб чиқди. Бунинг амалий ифодасини Хоразм вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ургачн шаҳрида кенг қўламли ободонлашти-риш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳар кўчалари, майдонлар ва жамоат масканлари то-залаиб, марказий кўчалар, истироҳат боғлари ва маҳаллалар ҳудудларида гул-зорлар барпо этилди. Шунингдек, ту-манларда канал ва ариқлар бетонлашти-

Яратганга шукри, шу кунлар келди. Давлатимиз раҳбари атроф-муҳитни асраш, экология масалаларини давлат сиёсати даражасига олиб чиқди. Бунинг амалий ифодасини Хоразм вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ургачн шаҳрида кенг қўламли ободонлашти-риш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳар кўчалари, майдонлар ва жамоат масканлари то-залаиб, марказий кўчалар, истироҳат боғлари ва маҳаллалар ҳудудларида гул-зорлар барпо этилди. Шунингдек, ту-манларда канал ва ариқлар бетонлашти-

Тошдан қоғоз тайёрланишига ҳамма ҳам ишонавермаслиги мумкин. Ле-кин бу аини ҳақиқат. Хитой, Тайвань, Эрон, Япония ва Ўзбекистонда худди шундай ишлаб чиқариш йўлга қўйил-ган. Жумладан, Фарғона вилоятида фаолият юритаётган «Fergana Stone Paper» қўшма корхонаси бу борада Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Унинг энг катта ютуғи шундаки, қоғоз тайёрлаш жараёнида экологияга за-рар етказилмайди. Бундан ташқари, ҳомаёё тўлиқ маҳаллийлаштирилган бўлиб, юртимизда унинг улкан захи-раси мавжуд.

Анъанавий қоғоз ишлаб чиқаришда 1 тонна маҳсулот учун ўртача 1 гек-тарга яқин ўрмондаги дарахтлар кесилади ва тахминан 5 тонна сув сарф-ланади. Бу сувнинг тенг ярми кимёвий моддалар билан ифлосланади. Уни ути-лизация қилишининг эса иложи йўқ. Оқи-батда табиатга ва иқтисодиётга катта зар-ар етади.

Тошдан қоғоз олиш технологиясида эса дарахт кесилмайди, сув ишлатилмайди, зарарли оқовалар ҳосил бўлмайди, маҳ-сулот қайта ишланади. Ўзбекистонда ҳам сув йил сайин танқислашаётганини ино-батга олсак, бу корхона ўта муҳимлиги янада ойдинлашади.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда

рилиб, сувдан самарали фойдаланиш тизими йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда кўкаламзорлашти-риш, ички йўлларни тартибга келти-риш, аҳоли дам оладиган яшил ҳудуд-лар ташкил этиш ишлари изчил дав-ом этмокда. Бу ишлар инсон қадрини улуглаш, фуқароларнинг турмуш сиф-ати ва ҳаётдан розилигини оширишга хизмат қилмокда.

Экология ва атроф-муҳитни асраш борасида мамлакат миқёсида улкан ишлар амалга оширилмокда. Жумладан, қисқа фурсатда Оролнинг қуриган ҳу-дудида саксовулар экилди. Давлат раҳ-бари минтақада иқлим шароитига мос кўчатлар экиш зарурлигини ўқтирди.

Президентимиз ташаббуси билан жо-рий этилган «Яшил макон» лойиҳаси экологик ҳолатни яхшилаш имконини бермокда. Хусусан, ўтган даврда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзга-риши соҳасида Президент ҳузурида мах-сус қўмита ташкил этилди, қонунчилик базаси мустаҳкамланди. Экологик таъ-лим ва тарбияга эътибор кучайди. Энг муҳими, экологияга масуъл ташкилот-лар ва мутахассисларда ҳақиқий ыволат пайдо бўлди. Бу эса амалий чораларни қўллаш имконини берди. Корхоналар та-биатга етказадиган зарар учун жавобгар-ликка тортилиши, чиқиндиларни тўғри бошқариш ва ҳудудларда экологик тар-тибни таъминлаш имконияти яратилди. Давлат, халқаро ташкилотлар ва маҳал-лий аҳоли ҳамкорлигига олиб борилаёт-ган бу ишлар самара беришидан барчамиз умидвормиз.

Касаба уюшмалари ҳам экологик меъёрларни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаз қилиш борасида кенг қамровли ишларни амалга оширмокда.

Мен кечаги имкониятсизликни кўр-ган инсон сифатида, бугунги амалий ишлар ва тизимли ёндашувга умид би-лан қарайман. Экологияни асраш фақат давлат ёки мутахассислар вазифаси эмас, бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Табиатга бефарқлик эртанги авлодга хиёнат қилиш билан баробар. Шунинг учун кечаги муаммолардан сабоқ чиқа-риб, бугунги имкониятлардан самарали фойдаланишимиз шарт.

Президентимиз ташаббуси билан Хо-разм вилоятида ташкил қилинган касаба уюшмалари боғида сайр қилиб, шулар ҳақида ўйладим. 20 гектар ҳудудда барпо этилган мазкур боғ қисқа фурсатда аҳо-лининг сеvimли масканларидан бирига айланди. Юртимизнинг барча гўшала-рида бундай боғларнинг кўпайиши эко-логик муҳитни яхшилашга хизмат қи-лиши аниқ.

Қамолжон БЕКЧАНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Хоразм вилояти
кенгаши раиси ўринбосари

2020 йилги пандемия пайтида оилавий биола-бораториямиз Зарбдор туманининг учта хў-жалигидаги эллиқдан зиёд пахта экувчи фер-мерларга хизмат кўрсатарди. Мени туман бандлик бўлимига чақиршиб, уч хўжаликнинг кам даро-мадли оилаларидан ўн олти нафар аёлни ишга олишимни, ойлик маошни эса бандлик бўлими тўлаб беришини айтишди. Уларни маҳаллалар танлаб беришаркан. Мен «Тозауруғ» кишлоғи атро-фидаги фермерларга хизмат кўрсатардим. Аммо менга у ердан уч км. масофадаги Янги Бўстондан тўрт нафар аёлни таклиф қилишди. Улар билан гаплашдим. Ҳар кун и эрталаб соат еттида фермер-лар йиғиладиган манзилга келиб туришларини, ўша ердан битта-битта фермернинг даласига чиқиб, биомаҳсулот тарқатишлари мумкинлигини айтдим. Аёллар бирдан шовқин кўтаришди. Узоқ ерга пиёда юрмасликларини, уларни машина би-лан таъминлашим лозимлигини, туман ҳокими-дан шундай топшириқ бўлганини таъкидлашди. Афсуски, менда бундай имкон йўқ эди. Хуллас, уларга гап тушунтириб бўлмади. Шу ерда прокура-тура, ҳокимият вакили бор эди. Мен бу аёллар би-лан ишлай олмаслигини, агар зарур бўлса, «Тоза-уруғ» кишлоғининг ўзидан топиб ишлашим мум-кинлигини айтдим ва шундай қилдим ҳам.

Кейинги кун и «Лалмикор» маҳалласи тақдим қилган хотинлар ҳам худди шундай найранг қи-лишди. Ҳар қалай, бу маҳалла раиси хотинларни йўлга солиб, мен айтгандай ишлашга, яъни фер-мерлар даласига ўзлари етиб боришлари зарурли-гини тушунтиргандан сўнг рози бўлишди. Кейин-чалик маълум бўлдики, бу хотинлар у қадар шал-лаки ҳам эмас, аммо... нотўғри муомала, нотўғри ташвиқот туфайли шундай қилишаркан. Қайсики аёл бақир-чақир қилса, иши юришса, айтгани амалга ошади, «Кўй, шу билан тортишма», дея нима дейишса қилиб берадилар. Натижада одам-лар тайёрига, текинтомоқликка ўрганди. Ва ана

шу кайфият, орадан беш йил ўтса ҳамки, тарқам-аяпти.

Яқинда Зарбдор тумани, Бўстон шаҳарчасидаги қирқдан ортиқ икки қаватли, ўн икки квартирали «дом»ларни базальт билан қоплаш бошланди. Ҳам-маси ҳукумат томонидан ажратилган субсидия ҳисобидан. Хуллас, аҳоли учун бари текин. Туман ҳокими Бекзод Тошпўлатов бир гуруҳ «дом»ларда яшовчиларни тўллаб, маслаҳат ўтказди. Ўшанда пандемия асоратларини мен кўрдим...

– Ичимлик сувни «дом»даги ҳар бир «подъезд» тағиғача янги қувурда етказиб, шу ерга чуқур қа-зиб, 500 литрлик сув идиш ўрнатиб, узлуксиз таъ-минотни ўз зиммамизга оламиз, – дея тушунтирди ҳоким. – Ана шу ердан ҳар бир оила ўз хонадонига сувни улаб олиши керак бўлади.

– Мен иккинчи гуруҳ ногирониман. Улашга пу-лим ҳам, имконим ҳам йўқ, – деди бир аёл.

– Сизнинг имконингиз бўлмаса, соғлом ўғлин-гиз бор-ку, – дея эътироз билдирди маҳалла раиси.

– Ўғлим ишсиз. Пул топмайди. Сувни чиқариб берасизларми, йўқми? Менга шуни айтишлар? – дея хотин тўғридан-тўғри таҳдидга ўтди.

Яна бири унитазининг қувури тешилиб қол-гани, уни таъмирлашга кучи етмаслигини айтиб, ёрдам талаб қилди.

– Пулингиз бўлмаса, банкдан кредит чиқарти-риб берамиз.

– Ох-оҳ! Мени қарздор қилиб ташламоқчими-сизлар? Кредит олмайман. Таъмир учун шунча пул ажратган ҳукумат менинг унитаризм учун пул топа олмай қолиптими? Мен ёзаман.

– Қаерга ёсангиз ҳам, опа, охир-оқибат икки-миз юзма-юз гаплашишимизга тўғри келади, – деди ҳоким. – Унитазингиз учун, уйингиз ичига сувни киритиш учун пул йўқ. Пандемия даври-даги текин пуллар йўқ энди, опа. Дунё ҳисоб-ки-тобли. Эндиликда Президентимиз: «Одамларга ба-лик ейишни эмас, балиқ тутишни ўргатинлар»,

деяпти, – деганди даврада кулги кўтарилди. Ва шу билан вазият юмшади.

– Ҳа, шунчалик базальтни опкелиб, ўрнатиб бе-ришяпти. Ичимлик сувни ҳам узлуксиз етказиб бе-ришса, Худога шукр қилиб, қолганини ўзимиз би-тириб олаверайлик, – деган хитоблар янгради. Одамлар хуш кайфиятда тарқалишди.

Эндиликда Бўстоннинг қирқдан ортиқ «дом»ларининг барчаси базальт билан қопланиб бўлди. Узоғи билан икки ой ичида шунча ишни би-тиришга улгуришди. Айтишларича, хонадонлар газни кўп ёқмаса ҳам исиб қолган эмиш.

Худого шукр! Етказганига шукр!

Жиззах вилояти бўйича Президентимиз томо-нидан ажратилган 300 млрд. сўм маблағ эвазига ту-манлар марказларидаги 1 783 та кўп қаватли уй, 21 та мактаб, 47 та боғча, 55 та тиббиёт муассасаси, 1 та нуронийлар масканининг ташқи қисмига «ба-зальт» қопланиб, замонавий кўринишга келтирил-мокда. 75 та уйнинг томи таъмирланмокда.

Аслида эътибор қаратмокчи бўлган маса-лам – бошқа. Туман ҳокими Бекзод Тошпўлатов юз нафардан зиёд аҳоли вакиллари билан бево-сита кўчада мулоқот қилиши, одамларнинг ўта ноқулай, раҳбарларга ёқмайдиган саволларига жавоб беришига тўғри келиши бу Президенти-мизнинг бугунги сиёсати маҳсулидир. «Юз амри иссиқ», деган ибора бор. Қачонки раҳбар ўз аҳо-лиси билан тез-тез очиқ мулоқот қилиб турса, уларга ишонса, уларни ўйлантираётган ташвиш-ларга қулоқ тутса, жуда кўп маҳаллий муаммо-лар жойида ҳал бўлади. «Юқорига, пойтахтга, «Фақат Президентга мурожаат» қилишлар кес-кин камаяди. Зеро, ҳокимлар давлат раҳбари-нинг жойлардаги вакиллариدير.

Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Зарбдор тумани

Уйғоқ ўй

ШАҲАРСОЗЛИК КЕРАК, ФАҚАТ ТАБИАТ ҲИСОБИГА ЭМАС

Охири пайтларда шундай ха-барларга тез-тез кўзимиз тушяпти. Йил сайин шаҳар-лар ҳам бўйига, ҳам знига кенгай-мокда. Кўп қаватли тураржойлар, савдо марказлари, баланд-баланд би-но-иншоотлар барпо этилмокда. Бир қарашда бу таракқиёт белгиси сифа-тида кўринса-да, ундан она табиатга зарар ҳам етмокда.

Маълумотларга кўра, сўнгги олти йил ичида Тошкент шаҳрида яшил майдонлар кескин қисқарган. Хусу-сан, яшил майдонлар улуши 34,6 фо-издан 13,1 фоизгача, яъни деярли уч баробарга камайган. Бу кўрсаткич халқаро стандарт бўйича талаб қили-надиган 25 фоиз ёки ҳар бир фуқаро учун камида 9 квадрат метр яшил майдон талабига мутлақо зиддир.

Рақамлар шунчаки ҳисобот эмас, балки шаҳарсозлик жараёнида яшил ҳудудлар йўқотилиши туфайли бе-тон майдонлар кўпайиб, иқлим ва аҳоли саломатлигига сезиларли таъ-сир қиладиган экологик муаммодир. Пойтахтдаги ҳаво сифати бўйи-

Вожаб!

ХАРИДОРИНИ КУТАЁТГАН ФАРҒОНА ҚОҒОЗЛАРИ

ёхуд нега ўзимизда бор имкониятдан фойдаланмаямиз?

маъқул эмас», дея жавоб қайтаришди. Баъзи тахриридагилар қоғозимизга бу-юртма бериб, газета чиқариб кўришди. Шу жараёнда унинг сифати анъанавий усулда босилаётган газеталарникидан яхшироқ эканлиги маълум бўлди. Аммо ҳамкорли-гимиз бизга боғлиқ бўлмаган ҳолда тўхтаб қолди. Шунга қарамай, биз ҳар доим газе-талар тахририятлари билан ҳамкорликда ишлашга тайёرمиз.

Ҳозир Фарғона қоғози маҳсулот-ларни қадоклашда, меваларни сифатли сақлашда тадбиркорларга ҳам жуда кўл келмокда. Лекин улардан тушаётган бу-юртмалар оз. Шу боис корхона тўла қувват билан ишламаяпти.

Бас, шундай экан, ҳақли саволлар туғи-лади: хўш, ўзимизда маҳаллий хомашёдан тайёрланаётган экологик тоза, сувга чи-дамли, қайта ишланадиган, иқтисодий жиҳатдан арзон қоғознинг ички бозорда нега улуши паст? У аслида шу турдаги маҳ-сулотлар импортини камайтиришга хиз-

мат қилиши, корхона эса нафақат экс-портчи бўлиши, балки ички бозор драй-верига айланиши ҳам керак эмасмиди? Агар шундай бўлса, аввало, валюта тежа-лиши, логистика харажатлари камайиши, иш ўринлари кўпайиши, ўз навбатида, саноат занжир иривожланиши табиий ҳол-ку! Ёки ёзув дафтарларини, айниқса, табиатшунослик ва экологияга оид дарс-ликларни айнан шу қоғозда чоп этиш рам-зий жиҳатдан ҳам тўғри бўлади-ку!..

Демак, дунёда бармоқ билан санарли бўлган корхонамиз маҳсулотига муноса-батимизни ўзгартиришимиз лозим. Акс ҳолда, импортга муҳтожлигимиз асло ка-маймайди. Қолаверса, тошдан қоғоз ишлаб чиқариш оддий саноат лойиҳаси эмас. У экологик ечим, иқтисодий имконият, им-портни қисқартириш омили бўлиши билан бир қаторда, миллий брендга айланиши ҳам керак.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»



ФАЗИЛАТ ЮЛДУЗИ ПОРЛОҚ ИЖОДКОР

ёхуд таниқли журналист, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби
Абдуракул ЖУМАҚУЛ сийратига чизгилар

Қирқ йилдан ортиқроқ меҳнат фаолиятим давомида кўп муҳаррирлар билан ишладим. Бир-ларидан меҳр топсам, бирларидан сабоқ олдим, айримидан наҳр ҳам кўрдим. Гарчи Абдуракул Жумакулов билан бир жамоада узоқ йиллар бирга ишламаган бўлсам-да, унинг санаб адоғига етиб бўлмайдиган яхшиликлари ҳақида ҳамкасблардан кўп эшитганман.

Умр бир текис ўтмас экан. Қийинчилик ва адолатсизликлар қаршида заиф қолган чоғларимда ўзим ҳам ундан яхшиликлар кўрдим. Ёлқасини тутди. Яна шуни англадимки, у савоб йўлида беминнат яхшилик қилиб, ўзгалар қувончидан қувонадиган инсон экан. Қўнгли оқ, қўли очиқ шундай инсон билан бир таҳририятда ишлаш на-сиб этгани учун Яратганга шукр дейман. Шундай кезларда раҳматли устозим, таниқли адиб Максуд Қориевнинг бир гапини кўп эслайман: «Дунёда яхши одамлар кўп. Аллоҳ яхши ниятли кишиларга яхши одамларни рўбарў қилиб сийлар экан. Қанийди, атрофингда яхшилар, дўстлар кўп бўлса...».

Абдуракул Жумакулов. Бу журналист ўз номи-ни ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларидаёқ ҳали Сурхондарёдан Тошкентга ишга келмасидан кўпчиликка танитиб қўйганди. Вилоят газетала-рида муҳбириликдан бош муҳаррирликкача бўлган вазифаларда фаолият юритиш билан биргаликда «Ўзбекистон овози» газетасининг Сурхондарёдаги муҳбири бўлди. Ўзининг лавҳалари, репортаж-лари, публицистик мақолалари ва ўткир фельетон-лари билан жамоатчилик назарига тушди.

Тўғриси, у даврларда газеталарнинг ҳам, жур-налистларнинг ҳам нуфузи анча баланд эди. Одам-лар ҳаётни газетасиз тасаввур қила олмасди. Зиёлилар хонадонига кунда беш-олти номдаги га-зета-журналлар етказиларди. Адади миллиондан ортган нашрлар бўларди. Кўпчилик нонушта қил-май туриб, газета ўқишга одатланган эди. Бугун ўша кунлар афсонага айланиб қолди. Одамлар га-зетадан, журналистлар эса жамиятдаги ўз ўрни-дан узоқлашиб кетди. Бир пайтлар ҳатто ҳуқуқш-нослар ҳавас қиладиган журналистлик касбининг мавкеидан пугур кетиб бораётгир. Маънавиятни қадрига етадиган, газета ўқимаса тура олмайдиган маърифатли инсонлар сафи торайгандан торашиб бораётгир. Босма оммавий ахборот воситалари ўз ўрнини интернетга қўшқўлаб топшириб қўйди. Замона зайли қаршида ноилоҳ қолинди. Бугун фақат саноқли газеталаргина жон сақлаб турибди.

Устоз макомидagi таниқли журналист Абду-расул Жумакулов ҳақида ёзяману, ўша олтин йиллар ёдга тушаверади. Бугун журналистикада от сурмоқ, айниқса, газетада бош муҳаррир бўл-моқ жуда мушкул. Шундай оғир паллада ҳамкасб қадрдонимиз «Нургуя» мустақил газетасининг бош муҳаррирлигини ҳавас қилса бўладиган ма-ромда уддалаб келаётгир. Газетага бош муҳаррир бўлиш осон эмас. Турли иқтидорли муаллифлар қўлғемаларини обдон таҳрирлаш, қайта ишлаш, саҳифа имкониятидан келиб чиқиб қисқартириш лозим. Муаллифлар орасида довруқли олимлар,

иқтисодчилар, адиблар бор. Уларнинг қаламига қалам уриш ҳам муҳаррир зиммасидagi катта масъулиятдир.

Бугунги бош муҳаррирни ўйга толдирадиган яна бир муаммо бор: бу – обуна масаласи. Обуна таҳририят иқтисодини, унинг келгуси тақдирини ҳал қиладиган масалага айланди. Агар муҳаррир-нинг жони халак бўлмаса, дўст-қадрдонларини қидириб дардини айтмаса, фурсат бой берилди. Миллий журналистикамиз тарихида қанча-қанча босма нашрлар ёйилиб кетди. Аммо журналистлар минбари бўлган «Нургуя» мустақил газетаси бош муҳаррирнинг саёй-ҳаракатлари туфайли мўъта-дил фаолият юритмоқда.

Таниқли адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсат-ган журналист Аҳмаджон Мелибоев шундай деб ёзади: «Бугун кимлардир босма нашрларнинг сўз-сиз инкирози хусусида башорат қилаётган бир пайтда, «Нургуя»-нинг овози сондан-сонга баланд-лаб бормоқда. Йиллар ўтиб бораркан, Абдура-сул Жумакуловнинг ижод қалами қайрилиб, таҳлил кўзи тиниқлашаётганини сезиш қийин эмас. Мен унинг «Йиллар ва йўллар» китобини ўқиганим-даёқ, публицистларимиз сафига яна бир ижобий маънода ўжар овоз қўшилганини сезганман».

Касбига муҳаббат инсонни бахт ва саодатга етаклайди. Абдуракул Жумакулов ҳам бахтини касбидан топанлардан бири. Уни юқори идора-ларга ишга таклиф этганларида ҳам журналисти-кани танлади. Сурхондарё вилоятидаги «Сурхон тонги», «Тадбиркор», «Халқ йўли» каби нашрларда, шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетаси ва «Фер-мер» журналида ишлаган пайтлари унинг қалами жуда баракали бўлди. «624-вагон», «Элни ким уй-ротати?», «Вояга етмаган авлод», «Зиёли каламуш-лар», «Отга минган аёллар», «Пахтазорда йиғла-ётган чақалок», «Бойлар ва камбағаллар» сингари таниқлий-таҳлилий мақолалари ўқувчилар эъти-борини тортди. Ижодкорнинг «Осмон бешиги», «Юракка сизгана гаплар», «Ишқ боғи», «Йиллар ва йўллар», «Кундузги чирок» каби шеърйи ва нас-рий китоблари чоп этилган. «Она» достони эса шеърйи асарлари ичиди алоҳида ўринга эга. «Кун-дузги чирок» китобидаги «Армон» ҳикоясини хар сафар ўқиганимда, онамни эслаб, қўзимга ёш ке-лади.

Унинг шеърлари рус, турк, қозоқ ва тожик тил-ларига таржима қилинган. У жаҳон адабиётидан И.Бунин, Якуб Колос, Н.Рубцов каби шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Улут китобларда лойиқ бўлган одамни макта-маслик соқовлик ва ҳасададандир, дейилган. Ҳам-касбим ҳақида ёзаётганда арзигулик ишларини

айтмасам, виждоним қийналади. Унинг барча яхши хислатларини тарозининг бир палласига қўйсаму, саҳийлигини бир палласига қўйсам, ал-батта, саҳоват томони босиб кетса, ажаб эмас. У билан бирга ишлаган йилларимизда, вилоятлар-даги сафарларимизда шу нарсга амин бўлдимки, дўстимиз қўли очликда анча-мунча ижодкорлар-дан илғор экан.

Ўтган йили кузда у билан Сурхондарё вилоя-тининг Қумқўрғон, Денов ва Бойсун туманларида бўлдик. Каерга кирмайлик, уни ҳамма раҳбар-лар яхши билишар, бажонидил кутиб олишарди. Буни кўриб, ҳавасим келди. Термиз шаҳри мар-казий туғуруқхонаси ҳовлисида бир аёл ҳамроҳимга юзланиб: «Сиз журналист Абдуракул Жумакулов бўласиз-а, сизни телевизорда кўрганман», дея му-рожаат қилиб қолди. Маълум бўлдики, бу аёлнинг соғлигида муаммоси бор оғирроқ келинини док-торлар туғуруқхонага ётишга қабул қилишмаётган экан. Шонш турганимизга қарамай, у бош шифо-корни топиб, масалани ҳал қилди. Аёл кўзида ёш билан дуо қилиб қолди.

Таҳририятга муаммо билан келганларга та-ниса ҳам, танимаса ҳам меҳр кўрсатаверади. Эҳти-ёжманд эканини сезиб қолса, сарф-харажатларига ёрдам бериб юбораверади. Қариндош-уруғлари, яқинлари, қўшнилари ва устоз-шоғирдларига нисбатан оқибатли. Нафс йўлидан йироқ юради-ган иймонли инсон. Фазилат юлдузи порлоқ ижод-кор.

Унинг савоб ишларини санайверсам, саҳифа-лар тўлиб кетади. Тантилигидан бўлса керакки, унга ҳурмат назари билан қарайдиганлар кўп. Ҳа-вас қиладиган дўстлари ҳам ўшанчадан кам бўл-мас керак.

Бу ҳаётда яхшиларга зиён етказувчилар, ҳа-сад қилувчилар ҳам учраб туради. Абдуракул Жу-макуловнинг ҳаёти ва фаолиятида ҳам адолатсиз-ликлар, ноҳақликлар бўлган. Ҳақсизлик қарши-сида ожиз қолган пайтларида меҳрибон дўстларга муҳтож ҳам бўлган. Аммо у адолатсизликка учра-ганида айрим кимсаларга ўхшаб аюҳаннос сол-мади. Сабр қилди, чидади. Анчиқ синовларга бар-дош берди. Ижоддан тўхтамади. Унинг ҳақиқати эгилди, букилди, аммо синмади...

Баззан у билан дардлашиб, ота-оналаримизни, устозларимизни хотирлаймиз. «Онасини яхши кўрмаган инсон дунёда ҳеч кимни яхши кўр-майди». Бу – Абдуракул Жумакулов фалсафаси. Бугун у раҳбарлик қилаётган «Нургуя» газетаси мамлакатимизнинг энг оммабоп нашрларидан бирига айланган. «Иккинчи фикр», «Аччиқтош», «Таассуф», «Дилдаги гаплар», «Айтганча», «Ойна-дан ўпкаламан» каби рухнлар остида берилаёт-ган доллар мавзулардаги мақолалар муштарийлар эътирофига сабаб бўлмоқда.

Абдуракул Жумакулов Ўзбекистон Журналист-лар уюшмаси бошқаруви аъзоси сифатида ҳам жамоат ишларида жонбозлик кўрсатиб келаётгир. Қадрли ҳамкасбимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-

«ҚУТҚАРИЛГАН» КИТОБ ҚИССАСИ



У ҳар гал жавонни очаркан, эски бир китобга кўзи тушади. «Отam қутқарган китоб» деб кўлига олиб, силаб яна жойига қўяди. У билан боғлиқ воқеа такрор-такрор ёдига келади.

... Ўшанда меҳмондорчиликка кетган отаси қўлида қийиққа ўралган, жилди титилиб, ёзувлари кўринар-қўринмас ҳолатга келган бир китоб билан кириб келди. Сўнг унинг муқовасини қай-та-қайта текислаб, варақлари жойида-

лигини текширди. Йиртилганларини елимлаб, панароқ жойга – жавоннинг орқа тоқчасига жойлаштириб, олдини бошқа китоблар билан тўсиб қўйди.

Отанинг айтишича, борган хона-донларида хонтахта бўлиб, уй эга-лари «баландроқ бўйсун», деб унинг оёқлари тагига тўртта эски китобни қўйишган экан. Унга кўзи тушган меҳ-моннинг ҳаловати бузилиб, фикру хаё-ли ўшаларда бўлибди. Кетар чоғида мезбондан китобларни унга бери-шини сўрабди. «Ўзи ташлаб юбормоқ-чийдим. Мана буниси жуда эскириб кетган. Шунини олақолинг. Қолганлари

керак бўлиб қолади», деб биттасини қўлига тутқазибди ва «Қаердан олган-нингизни ҳеч кимга айтманг, балога қолмайлик, бу нозик китоб», деб шип-шиб ҳам қўйибди.

Бу воқеа ўтган асрнинг 60-йилла-рида бўлган. Ўша асар Абдулла Қоди-рийнинг 1959 йили Ўзбекистон давлат бадиий нашриётида 90 минг нусхада чоп этилган «Меҳробдан чаён» романи эди. Абдулла Қодирий 1938 йилда қа-тагон қилиниб, отиб ташланган, 1957 йилда эса оқланган. Демак, адибнинг «Меҳробдан чаён» асари у оқланган-дан 2 йил ўтган нашр этилган.

Муҳаббат Шамаева ижросида

«ЎРИК ГҮЛЛАГАНДА»
қўшиғи

Новдаларни безаб ғунчалар,
Тонгда айтди ҳаёт отини
Ва шаббода курғур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини.

Ҳамид Олимжон шеърйи

Эсдаликлар

– Ўзбек миллий романчилигининг асосчиси, публицист, ҳаёв устаси, тил-шунос ва таржимон Абдулла Қодирий-нинг дурдона асарлари бугунги кунда халқимизнинг маънавий бойлигига, ғурурига айланган, – дейди Ўзбекис-тонда хизмат кўрсатган журналист Хо-лида Пардабоева. – Адиб асарларининг кейинчалик турли даврларда нашр этилган нусхалари бўлса-да, отам сақлаб қолган қўхна китоб жавонимда, фақат энди орқада эмас, энг юқори тоқчанинг олд қаторида турибди. Китобга муҳа-бат бизга ота мерос. Биз бу асарларни ўқиб улгайдик, энди фарзандларимизга тортиқ қиламиз.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

Шукроналик

Тўрткўл туманининг «Зи-ёкор» маҳалласида ис-тиқомат қилувчи Ойша-хон эзгу ният билан сума-лак тайёрлашга киришди. Кўп ўтмай овсинлар, янға-лар, қуда-анда йиғилишди. Ёшлар ўчоққа ўтин қалашди, чой ташишди, қувноқ-шо-дон суҳбатлар бошланди. Оддийгина сумалак катта сайлга айланди гўё.

СУМАЛАК БАҲОНА

Маҳалланинг кекса ва дуоғўй онахони Раъно опани ҳам олиб келишди. Давра янада жонланди. Сабаби унинг хар бир сўзи ҳаёт сабоғи, хар бир хотираси ўтмиш ҳақида ҳикоя эди. Сўнгра суҳбатлар қў-шпққа уланди, ўланлар янгради, ўйин-қулги тинмади. Айниқса, Муҳаббат опанинг ширали овози барчани мафтун этди. У тўйларда ёр-ёр айтиб, неча-неча қизларни гўшангага кузатган.

– Дориламон кунларда яша-япмиз, – деди Раъно она кўзла-рида шукроналик ёшлари би-лан. – Ота-боболаримиз оғир дамларни бошдан кечиришган. Эгни юпун, пилик ёруғида ўтир-ган даврлар бўлган. Бугун эса хар бир оилда камиди битта фар-занд ўқияпти, излянапти, ҳатто чет элларда таҳсил олмақда.

Бу фикрларни Ойшахон-нинг ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин. У ўттиз беш йилдан буён ҳамшира бўлиб ишлайди. Ҳамқўшлорлари дар-дига малҳам бўлиб келади. Ке-лини бўлиб тушган йилларида қишлоқда на газ, на электр бор эди. Ўчоқда овқат пиширган, ариқдан сув ташиган, лой ке-чиб, қийин шароитларда ишла-ган кунлари ҳали-ҳамон ёдда. Бугун эса ҳаммаси ўзгарган. Фарзандлари ҳам ўз йўлини то-пишди. Кенжа ўғли Лочинбек Нураддинов Самарқанд давлат тиббиёт университетида дав-лат гранти асосида таҳсил ол-моқда. У онасига ҳавас қилиб шу касбни танлаган. Қизи Муниса-хон Транспорт университети-ни грант асосида тамомлади. Она учун бундан ортқ бяхт борми?..

Гарчи пенсияда бўлса-да, мактабда ўқитувчилик фао-лиятини давом эттираётган Оқилжон Кўчқорова қизик хан-гомалари билан даврага ўзгача фойд бағишлади. Йиғилганлар-нинг деярли ярми унинг шо-ғирдлари эди. Бир кетса, бири келиб саломлашиб, хол-аҳвол сўрарди. Ён қўшин Гуландом-нинг қўли ширинлигини бутун маҳалла яхши билади. Шу боис тўй ёки маърака унинг иштиро-кисиз ўтмайди. Бугун у дошқо-зон бошидан нари кетмади.

Қишлоқ одамларининг феъл-атвори шундай: бир хона-донда тўй ёки маросим бўлса, барчаси елка туттади. Бу қадри-ятларнинг турли даврларда нашр этилган нусхалари бўлса-да, отам сақлаб қолган қўхна китоб жавонимда, фақат энди орқада эмас, энг юқори тоқчанинг олд қаторида турибди. Китобга муҳа-бат бизга ота мерос. Биз бу асарларни ўқиб улгайдик, энди фарзандларимизга тортиқ қиламиз.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

MUASSIS:



2007-yil 11-yanvarda
O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida
116-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие»
gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSEN'YAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xalq va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:

Salim ABDURAHMONOV

Musahhihlar:

Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:

Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 20:00

Topshirildi – 20:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning

seshanba,

payshanba va

shanba

kunlari chiqadi.

Gazeta

«Ishonch»ning

kompyuter markazida

terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri,
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

E-mail:

ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning

poligrafik jihatdan

sifati chop etilishiga

bosmaxona mas'ul.

Gazetaning yetkazib

berilishi uchun obunani

rasmilashrtirgan

tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 306 ta

Shundan: 6 701 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik

kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Turok ko'chasi, 41-uyda;

19 426 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 179 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi,

236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma: G-211

1 2 3 4 5 6